



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 94 (13.427)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

“Ўзэкспомарказ”да қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари ҳамда экспорт салоҳиятини ва машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш комплексларининг тармоқлараро саноат ярмаркаси очилди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20 мартдаги “2017 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган ўшбу тадбир тармок ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимидда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, барқарор шериклик муносабатларини ўрнатиш, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талабни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар саноатнинг изчил ривожланишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда маҳаллий ҳомашё асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш, йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кооперация алоқалари ривожланиб, маҳсулот тури ва сифати ошмоқда, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чи-

қарилмоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ҳар йили аънавий равишда ўтказиб келинаётган тармоқлараро саноат ярмаркалари бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилда тармоқлараро саноат ярмаркасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноатэкспорт”, “Ўзэгроосаноатмашхольдинг”, “Ўзбеккозиқовкатхольдинг” ҳамда “Ўзвиносаноатхольдинг” ҳолдинг компаниялари, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзавто-саноат” ҳамда “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компаниялари, “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзбек-чармпоабзали” уюшмаси сингари тузилмалар таркибига кирувчи 950 дан зиёд корхона, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари иштирок этмоқда.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги корхоналари экспозицияси ранг-баранглиги билан ажралиб турибди. Бу ерда 30 дан ортиқ саноат корхонаси 170 дан зиёд маҳсулотни намойиш этмоқда. “Сувмаш” акциядорлик жамияти турли русумдаги насосларни, “Сув-саноатмаш” корхонаси ҳар хил вагонлар, станокларни, “Тошкент электродвигатель” қўшма корхонаси электр двигателларини кўргазма иштирокчилари эътиборига ҳавола этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ЎРГАНИШ ҲАФТАЛИГИ

Тошкент давлат иқтисодий университетиде 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегияси ва уни Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш, белгиланган вазифалар изчил ижросини таъминлашга йўналтирилган конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда.

“Тараққиёт стратегияси” маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ҳафталик бу каби тадбирларнинг мантийқий давомидир. Ҳафталик доирасида университет талабалари ҳамда профессор-ўқитувчиларига “Тараққиёт стратегияси” маркази мутахассислари, вазирликлар, ташкилотлар, идоралар ва қўмиталар ходимлари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва уни Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маърузалар қилади, тақдиротлар ўтказида, ижтимоий роликлар ҳавола этади.

Ҳаракатлар стратегиясидаги бешта устувор йўналишнинг бири иқтисодий соҳани янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини химоя қилиш ва унинг устувор макеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Ҳафталик доирасидаги илк тадбирда университетнинг иқтисодий факультети талаба-ёшлари, профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва бошқа ташкилотлар мутахассислари Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳа ривожидagi аҳамияти ҳақида фикр алмашди.

М.ХУСАНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Ташаббус – 2017” кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловда асосий ғолиблардан ташқари “Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори”, “Энг яхши тадбиркор аёл”, “Энг яхши оилавий бизнес соҳибби” каби бир қатор номинациялар бўйича ҳам етакчилар аниқланди.

• Андижонда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди. Худудий кенгашлар қошида жамоатчилик назорати гуруҳини ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланди.

• Нукусда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган “Менинг бизнес-гоям” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Танловда 150 битирувчи ўз лойиҳа ва ғоялари билан иштирок этди. Иштирокчилар мутахассислар томонидан ўтказилган семинарларда хунармандлик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, инновацион ғоялар, чорвачилик йўналишлари бўйича билимини синовдан ўтказди.

• Жиноят ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти судлари томонидан Урганч санъат коллежида хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Жанубий Кореянинг Пхёнчхан шаҳрида ўтказиладиган 2018 йилги қишқи Олимпиада машъаласининг эстафетаси ўшбу оламшумул мусобақа бошланишидан юз кун олдин, яъни жорий йилнинг биринчи ноябридан бошланади. Машъала аънаанага мувофиқ 24 октябрда Грециянинг Олимпия шаҳрида ёқилади. 7,5 минг машъала элтувчилар қатнашадиган эстафета йўналиши 2018 километрни ташкил этади ва 17 та шаҳар ва музофотлар бўйлаб давом этади.

• Жорий йилнинг ўтган уч ойида Германияда қочқинлар кириб келиши ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада қисқариб, 47 минг кишини ташкил этган. Улар асосан, Сурия, Ироқ ва Афғонистон фуқароларидир. Қочқинлар оқимининг пасайишига Фарбий Европага муҳожирлар ноқонуний кириб келадиган Болкон йўналишининг ёпилиши ҳамда Европа Иттифоқи ва Туркия ўртасидаги 2016 йилда имзоланган қочқинлар борасидаги келишув сабаб бўлмоқда.

• АҚШнинг Шимолий Каролина штатида табиий офат рўй берди. Штат аҳолиси кучли ёғингарчилик оқибатида юзага келган сув тошқинидан катта жабр кўрди. Уйларнинг биринчи қавати ва автомобиллар сувга ғарқ бўлди. Йўлларда автомобиль ҳаракати батамом тўхтади. 10 минг хонадон эса электр қувватсиз қолди. Ҳозирда об-ҳаво анча барқарорлашган бўлса-да, худудий трассалар ҳамон очилмаган.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида “Олтин қалам” XII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.



3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни муносабати билан таъсис этилган мазкур халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросимиде Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Танлов ташкил қилишга раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳақимов ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан матбуот соҳасини тубдан ислоҳ этиш, уни туртинчи ҳокимиятга айлантириш, моддий базасини янада мустаҳкамлаш, кадрларнинг касб салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилган эзгу сазй-ҳаракатлар бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада ривожлантириш, халқимиз манфаатларини химоялаш,

оғирини енгил қилиш, муносиб меҳнат, турмуш шароитларини яратиш, шу мақсадда аҳолининг барча қатламлари билан очик ва самимий мулоқот ўрнатиш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатларини халқимиз мамнуният билан қутиб олмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси-

Медиа соҳага кўрсатилаётган алоҳида эътибор самарасида оммавий ахборот воситаларининг сони ортиб бормоқда. Мавжуд босма нашрлар-



“ОЛТИН ҚАЛАМ”: ТЕРАН НИГОҲ ВА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

ни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”-ги Фармони мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ҳаётга кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси жамият кўзгуси саналмиш оммавий ахборот воситалари ходимларидан рўй бераётган ўзгариш ва янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга кенг ва атрафлича, таъсирчан тарзда тушунтиришни, жамиятда учраб турувчи турли камчиликларга нисбатан теран танқидий-таҳлилий ёндашишни, давр билан ҳамнафас бўлишни талаб этмоқда.

нинг 53 фоизини, телерадиоканалларнинг 85 фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этади. 330 дан зиёд веб-сайтлар оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг аксарияти нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда. Медиа тузилмалар бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллат ва элатларнинг 7 тилида фаолият олиб боради. Ахборотлар ва телерадиомаҳсулотлар қатор хорижий тилларда ҳам тарқатилмоқда.

“Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танлов журналистларини янада фаол, изланувчан бўлишга, воқеликка теран нигоҳ, катта

масъулият билан қарашга даъват этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Uzreport” ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур танлов мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларида тобора катта қизиқиш ва эътибор уйғотмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида унинг доирасида 5 минг 500 дан ортиқ журналистнинг 80 мингга яқин ижодий иши кўриб чиқилди. 237 нафар ҳамкасбимиз мазкур танловнинг ғолиби бўлди. Шу билан бирга, 70 дан ортиқ ижодкор халқаро таъкилотларнинг ваколатхоналари томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланди.

(Давоми 2-бетда)

КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ярмарка саноат корхоналари билан вазирилик ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик суи ҳўжалигини ривожлантириш бошкармаси бош мутахассиси Жўрабек Абдуллаев. — Ўтган йилги тармоқлараро ярмаркада соҳа корхоналари томонидан қиймати 7 миллиард 800 миллион сўмлик шартномалар тузилган бўлса, жорий йилда 10 миллиард сўмдан зиёд битимлар имзоланиши кўтилмоқда.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноати жадал ривожланмоқда. Бунга ярмарканинг доимий иштирокчиси "Ўзбекнегилсаноат" акциядорлик жамияти стандартларидаги маҳсулотлар турининг қўлиги ҳам тасдиқлайди.

Ўтган йилги ярмаркада тизимдаги ўн бешга яқин корхона иштирок этган бўлса, жорий йилда йигирмадан зиёд корхона 150 турдан ортиқ маҳсулотни намойиш этаётди. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган.

Мамлакатимизда қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган илчил ишхотлар саноат кооперациясининг кенгайишида муҳим омили бўлмоқда. Маҳаллий бозор билан бир қаторда дунёнинг 15 дан ортиқ давлатига турли русумдаги замонавий автомобиллар етказиб бераётган "Ўзвотсаноат" акциядорлик компанияси тизимдаги корхоналар фаолияти фикримизнинг ёрқин далилидир.

Андижон шаҳридаги "Uz-Koram Ko." масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энгил автомобиллар учун бамперлар, инструмент панеллар, эшик қопламалари, зарба ютгичлар етказиб бераётди. Корхонада 850 дан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш мақсадида корхонамизда 2016 йилнинг декабрь ойидан бошлаб полипропилендан саккиз турдаги халқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дейди ЎЗА муҳбирига "Uz-Koram Ko." МЧЖ маҳаллийлаштириш сектори бошлиғи Элёр Ашуров. — Бугунги кўнрамада янги турдаги автомобил бутловчи қисмлари билан бирга маъмур маҳсулотлари ҳам намойиш этмоқда.

Саноат ярмаркасида корхоналар тақдирларида техника ва технология имкониятлар борасида тўлиқ тушуночага эга бўлиш, ҳамкорлик учун таклифлар олиш мумкин. Бундан ташқари, тадбир иштирокчилари ишлаб чиқаришнинг техник янгиланган ва ютуқлари билан танишиш, яқин истиқболда ишлаб чиқариладиган материал ва бутловчи қисмларга бўлган талабни аниқлаш, саноат маҳсулотларининг янги турларини ўзлаштириш борасида шартномалар тузиш имкониятига эга бўлади.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқов сўзга чиқди.

Беҳзод БОЗОРОВ

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган одил судловга эришиш ҳамда фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

ЯНАДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қаролатилган.

Фуқароларимиз бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судга муножаат этиш орқали ҳимоя қилиш мумкинлигини билсаларда, бироқ айрим фуқароларимиз малакали юридик ёрдам олиш учун иқтисодий жиҳатдан имкониятга эга эмасликлари оқибатида судга муножаат қилишда қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

2017 йил мамлакатимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинган ва тегишли Давлат дастури ҳам тасдиқланди.

Ушбу Давлат дастурида белгиланган вазибаларни амалга оширишда суднинг ҳам роли мавжудлигини инобатга олиб, фуқароларимизни судга муножаат қилишларида янада қулайликлар яратиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Ўлугбек туманлараро суди томонидан хайрли ишга ўйилди.

Гарчи, фуқаролик ишлари бўйича ушбу туманлараро суд биносида Фуқаролар қабулхонаси ташкил этилиб, фуқароларимиз учун судга ариза ёзишга керакли бўлган шартитлар, хусусан зарур ариза намуналари қўйилган бўлсада, бу қилинган ишларимизни янада жадаллаштиришни даврининг ўзи талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг давлат сийсатида оила, болалар ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, эркинликлар, қонуний манфаатларини амалга ошириш ва уларнинг фаровонлигига эришиш асосий вазибалардан бири сифатида белгиланган.

Шу боис, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Ўлугбек туманлараро суди томонидан ҳуқуқий ёрдамга муҳтож бўлган ва бундай ёрдамни олишга иқтисодий жиҳатдан имконияти йўқ шахсларнинг айрим тоифалари, хусусан оилавий низолар иштирокчиларига ҳуқуқий кўмак бериш мақсадида "Оилавий низолар бўйича даъво ариза намуналари" деб номланган қўлланма ўзбек ва рус тилида чоп этилди.

Ушбу қўлланмадан фуқаролар бузилган ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу қўлланмани фуқароларимиз кўп муножаат қиладиган Президентимизнинг Халқ қабулхоналарига, маҳалла фуқаролар йиғини идораларига ва бошқа идораларнинг Фуқаролар қабулхоналарига тарқатиш белгиланган.

Келгусида ҳам бу ишлар давом эттирилиб, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган фуқаролар учун судга муножаат қилишдаги даъво ариза намуналари ва илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати амалий қўлланмалар шаклида ишлаб чиқилади.

Бундан қўланган асосий мақсад шунки, энди фуқароларимиз судга муножаат қилишда ариза намуналари қўриш ва аризага қандай ҳужжатлар илова қилиниши лозимлигини билиш учун фуқаролик ишлари бўйича судларга келимдан ўзлари ашаб турган маҳалла идорасига келиб, ушбу қўлланмадан фойдаланган ҳолда мустақил равишда судга муножаат қилишлари мумкин бўлади.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак".

Шерзод РАЖАБОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Мирзо Ўлугбек туманлараро суди раиси



А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар

Ватан келажаги, унинг тақдири учун фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда масъулиятни чин юракдан ҳис этишимиз лозим.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар, пул мукофотлари топширилди. Санат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

"ОЛТИН ҚАЛАМ": ТЕРАН НИГОҲ ВА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу йилги "Олтин қалам" танловида 520 журналист 9 минг 500 га яқин материал билан қатнашди. Телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилган ушбу танловда битта бош мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот ҳамда "Энг яхши фоторепортаж учун" ва "Энг яхши матбуот хизмати" рағбатлантирувчи номинациялари таъсис этилган. Бу йилдан жорий этилган "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун" ҳамда "ОАВда китобхонлик маданияти тарғиб қилинган энг яхши материал учун" номинацияси бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Танловни ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилди.

Танлов доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қув-

ватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотларнинг мукофотлари ҳам топширилди. БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ахборот маркази, ЕХХТ, ЮНЕСКО, ЮСАИД лойиҳаси, Германиянинг Халқ университетлари ассоциацияси, Словениянинг "Минтақавий мулоқот", "Softline" компанияси каби халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, АҚШ ва Хитой Халқ Республикасининг элчихоналари ҳам ўз мукофоти билан қатнашди.

Бош Миллий мукофотга "Тафаккур" журнали тахририяти сазовор бўлди. Ғолиб жамоа махсус диплом, "Олтин қалам" кўрак нишони, статуеткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланди.

"Олтин қалам" халқнинг юксак меҳри билан йўрилган мукофотдир, — дейди журнал бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам. — Президентимиз халқ билан мулоқот қилиш, одамлар мақсад-муддаоларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шиддатли давр талабларига жавобан биз янада фол, изланувчан, ҳозиржавоб бўлишимиз, янада журъат ва қатъият билан меҳнат қилишимиз, юртдошларимизда

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" XII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

"Тафаккур" журнали тахририяти — Бош муҳаррир Эркин Аъзамов. Истиқлол йилларида мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида юз берган улкан янгиланишларни жамоатчиликка кенг тарғиб этган туркум материаллари учун

Асосий номинациялар

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин:

Нилуфар Жумаева — "Маданият ва маърифат" телеканали муҳаррири, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг мақсад-моҳияти ва ижросининг амалий жиҳатларини очиб беришга қаратилган "Очиқ студия" номли туркум кўрсатувлари учун

2-ўрин:

Зилолаҳон Расулова — "Рухсор ТВ" телеканали муҳаррири, Ўзбекистоннинг ривожлантиришининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харақатлар стратегияси мақсад-моҳиятини очиб бериш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва халқ ўртасида очик мулоқотнинг самарадорлигига бағишланган "Мулоқот ва манфаат" номли туркум кўрсатувлари учун

3-ўрин:

Севара Ўринбоева — ЭОАВМА лойиҳа раҳбари, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни танқидий ва таҳлилий ёритишга қаратилган "Халқ билан мулоқот: менинг овозим" туркум ток-шоулари учун

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин:

Кумуш Пардаева — "Yoshlar" радиоси муҳаррир-бошловчиси, ёшларга оид давлат сиёсати моҳияти кенг ёритилган, ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган дастурлари учун

2-ўрин:

Ҳожимурод Отақов — "O'riyat-dono" радиоканали бош муҳаррири, Ўшларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, иктидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Замонавий ёшлари" туркумидидаги материаллари учун

3-ўрин:

Улбоған Еримбетова — "Нукус FM" радиоси муҳаррири Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кенг ва таҳлилий ёритгани учун

Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):

1-ўрин:

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси тахририяти — Бош муҳаррир Чори Латипов мамлакатимиз аграр соҳасида юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни кенг ёритгани учун

2-ўрин:

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси тахририяти — Бош муҳаррир Сирожиддин Саидов мамлакатимиз маданий, адабий ҳаётидаги янгиланишларга қўшган ҳиссаси учун

3-ўрин:

Дилфуза Қўзиева — "Фермер" журнали масъул котиби қишлоқ аҳли ҳаётидаги янгиланишлар таҳлилий ёритилган материаллари учун

Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):

1-ўрин:

Умид Ёкубов — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА етакчи муҳаррири мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларни интернет тармоғида кенг ёритгани учун

2-ўрин:

Рустам Раҳимов — "Жаҳон" ахборот агентлиги мутахассиси мамлакатимизда амалда оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар жараёнини хорижий аудиторияга кенг тарғиб қилгани учун

3-ўрин:

Элмуроджон Эрматов — "Kun.uz" веб-сайти муҳаррири мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва рўй бераётган янгиланишлар жараёнини кенг ва таҳлилий ёритгани учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича:

"Энг яхши матбуот хизмати" номинацияси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати — Матбуот хизмати раҳбари Нурбек Мустафоев

"Энг яхши фоторепортаж учун" номинацияси:

Баҳром Абдурахимов — "Ватанпарвар" газетаси фотомуҳбири

"ОАВда китобхонлик маданияти тарғиб этилган энг яхши материал учун" номинацияси:

Қодиржон Каюмов — "Шарқ зиёси" газетаси муҳбири

"Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун" номинацияси:

Шеймус Керни — "Euronews" телеканалнинг "Postcards" кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР НОМИНАЦИЯЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ

ЮНЕСКО ваколатхонаси "Ногиронлар ҳаёти мавзуси ёритилган энг яхши материал учун" — Анора Содиқова, dil.uz сайти муҳбири

БМТ Ахборот маркази "Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги ёритилган энг яхши материал учун" Дилдора Зайнулдинова — "Uzbekistan Today" газетаси муҳбири

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти "Ёшларни экстремизм ва терроризм каби радикал таъсирлардан асраш масалалари ёритилган энг яхши материал учун" — Георгий Петросов, Ўзбекистон Республикаси ИИВ "Постада" — "На посту" газеталари бирлашган тахририяти бўлим мудири

"Мамлакатда давлат ҳокимияти органларининг очиклиги ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда жамоатчилик назоратини ривожлантириш масалалари ёритилган энг яхши таҳлилий материал учун" — Лобар Исмолова, "Anhor.uz" сайти бош муҳаррири

Project HOPE (USAID дастури) (АҚШ) "USAIDнинг сил касаллигига қарши кураш дастури доирасида сил касаллигининг олдини олиш ва даволлаш масалалари ёритилган энг яхши материал учун" — Икболжон Абдужабборов, www.silning-davosi-bor.uz сайти раҳбари

D V V International (Германия) "Катта ёшдагилар, айниқса, аёлларга таълим бериш, қўшимча янги ҳунар инсон ҳаёти яхшиланishiга қандай ёрдам берганлигининг энг яхши намуналари акс этган материал учун" — Ольга Немировская, "Экономическое обозрение" журнали муҳбири

"Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилоти (Словения) "ОАВ коррупцияга қарши курашда" — Мафтуна Мамасиддинова, "Рухсор ТВ" телеканали муҳбири

Softline компанияси "Ахборот хавфсизлиги масалалари ёритилган энг яхши материал учун" — Богдан Шкляревский, InfoCOM.uz сайти

XXРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси "Замонавий "Ипак йўли"нинг иқтисодий салоҳияти ҳақидаги энг яхши материал учун" — Шарофуддин Тўлағанов, "Ўзбекистон" ТРК бўлим мудири

"Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий-гуманитар алоқаларини мустаҳкамлаш (жумладан, Хитой билан) борасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги энг яхши материал учун" — Наргис Қосимова, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети доценти

"Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мавзусидаги энг яхши материал учун (икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигини 25 йилгига муносабат билан)" — Ша Дати, "Синьхуа" ахборот агентлигининг Тошкентдаги муҳбири

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси "Халқ маданий меросини сақлаш масалалари ёритилган энг яхши материал учун" — Инна Аккерманцева, "На досуге" хафталиги бош муҳаррири

"Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мавзусидаги энг яхши материал учун" — Юрий Черногаев, "Anhor.uz" сайти шарҳловчиси

МИЛЛИЙ ҲАМКОРЛАР НОМИНАЦИЯЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши "Меҳнат муносабатлари мавзуси энг яхши ёритилган материал учун" — Ҳамидулло Матисаев, Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси аппаратининг бўлим мудири

"Ижтимоий шериклик мавзуси энг яхши ёритилган материал учун" — Тошпўлат Матисаев, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ соғлиқни сақлаш хизмати бошлиғи, жамоатчи журналист

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди "Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун" — Акромжон Иномов, "Жиззах овози" газетаси бош муҳаррири

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси ёритилган энг яхши материал учун" — Сарвар Очиллов, "Фермер" журнали муҳбири

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Илм-фан ютуқлари ва инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш, саноат корхоналарида илгор технологияларни жорий этишга қаратилаётган доимий эътибор мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси иштирокчилар ва илмий ташкилотлар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалий муносабатларни ўрнатиш имкониятини яратмоқда.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Х Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси олдидан ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидлаб ўтилди.

Юқори технологик ишлаб чиқаришнинг ўсиши, кичик инновацион тадбиркорликнинг раванқ топиши, корхоналарнинг инновацион фаоллигининг ошиши, юқори технологиялар миллий бозорининг шаклланишига кўмаклашиш мақсадида ўтказилаётган ушбу тадбирда саноат, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда фан ва таълим йўналишлари бўйича инновацион ишланмалар тақдим этилади. Ярмарка доирасида 500 дан ортиқ инновацион ғоя, технология ва лойиҳалар намойиш этилиши кўзда тутилган.

Ўнинчи бор ўтказиладиган ярмаркада ёш олимлар, тадқиқотчилар, талабаларнинг ўз илмий ва амалий ишланмаларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратилади. Хусусан, тадбир давомида улар томонидан яратилган 100 та ишланманинг тақдироти ўтказилади.

Шунингдек, ушбу ярмарка доирасида III Тошкент халқаро инновацион форумини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Форумда дунёда инновация тизимларининг ривожланиш тенденциялари, инновация фаолиятининг ривожланиш ҳолати, муаммолари ва истиқболларини таҳлил қилиш, миллий инновация тизимини шакллантиришда турли омилларнинг ўрнини аниқлаш, инновацион иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлаш масалалари муҳокама қилинади.

Форум ишида Германия, Болгария, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия, Жаҳон банки, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси етакчи олимлари, мутахассислари ва экспертлари иштирок этиши мўлжалланмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

ЯНГИ МАРКАЗ КИНО ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкентда кинематографияни
ривожлантириш маркази очилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда киношунос олимлар, режиссёрлар, ёзувчи ва сценарийнавислар, актёрлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Ўзбекино" миллий агентлиги бош директори ўринбосари Н.Махмудов, марказ директори О.Абдушукоров ва бошқалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясида миллий кинематография санъатини ривожлантириш, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва ёш киноижодкорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади.

Маъмур марказ миллий кинематография санъатини жаҳон бозорига тарғиб этиб, ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ижодий, ижтимоий ва иқтисодий имкониятлар яратиш бериш, кинонинг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадий савиясини ошири

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР УМРНИ
УЗАЙТИРАДИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги мухташам “Сарбон” тантаналар уйи. Бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллалар фаоллари, ёшлар жам бўлган. Тўкин дастурхон атрофида дийдор кўришиб турган нурунийлар ўтган кунлар хотираси, бугунги дориломон кунлар шукронаси ҳақида дилдан суҳбатлашмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва “Нуруний” жамғармаси 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этган маънавий-маданий тадбирнинг умумий манзараси шундай.

Тадбир ташкилотчилари йиғилганларни эсон-омонликда юртимизда бўлиб турганликлар билан қўллаб, юртимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангтоҳлардан омон қайтган, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган фахрийларимизга юксак ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш давом этаётганини таъкидлади.

Ҳаёт ҳамиша бир текис давом этавермайди. Унинг завқу қувончи қанча бўлса, шунга яраша муаммою машаққати, таъшишлари ҳам бор. Ҳар бир инсон яхши яшашни, бахтли-саодатли ҳаёт кечиришни, ҳар томонлама баркамол фарзандларни вояга етказишни орзу-ният қилади. Лекин ҳеч ким якка-ёлғиз ҳолда бахтли бўлолмайди.

Шундай экан, вақти келганда бировга елка тутсангиз, унинг бир кунига яраб, оғирини енгил қилсангиз, дардига дармон бўлиб, эртанги кунга умид-ишонч уйғота олсангиз, сиз жуда бахтлисиз, катта ажру савобга дохил инсонга айландингиз. Шу тарихи Сиз нафақат ўзингиз, балки, фарзандларингиз учун ҳам ёруғ йўлни таниладингиз.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг туб моҳиятида ҳам айнан одамларнинг оғирини енгил қилишдек эзгу мақсад ётибди, десак, хато бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да давлат идоралари олдида қўйган одамларни ҳаётида рози қилишдек хайрли мақсадга эришиш ҳаммаани ҳаётга, вазифага, бурчга ўта масъулият билан ёндашишга ундайди.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ қабулхоналари томонидан сайёр қабуллар ташкил этилаётгани, турли соҳа ва тармоқлар раҳбарларининг бевосита аҳоли ҳузурида бўлиб, одамларнинг муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилаётгани ана шу мақсаднинг амалий ифодасига айланмоқда.

Сайёр қабуллар вақтида аҳоли билан раҳбарлар ўртасидаги мулоқотни қулайроқ экансиз, айнан халқимиз “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да кутган, умид қилган орзулари рўйбга чиқаётганидан кўнгли кўтарилганини ҳис этасиз.

Фикримизни шахримизнинг Яққасарой тумани аҳолиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига юборилган мурожаатлар ва уларнинг қандай ечим топаётгани мисолида исботлашга ҳаракат қиламиз.

Айтиб ўтиш жоизки, жорий йилнинг 19 апрель кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига Яққасарой тумани аҳолисидан 6 минг 654 та мурожаат келиб тушган, уларнинг 86 фоизи кўриб чиқилган ва қолганлари – айна кунларда икромда.

Яққасарой тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 18-уй, 22-хонадонда яшовчи фуқаро Ш. Раҳимов уларига яқин жойда болалар ўйингоҳи йўлигини қайд этиб, шу масалада ёрдам беришни сўраб, мурожаат қилган. Ариза ўрганилиб, туман ҳокимлиги томонидан болалар ўйингоҳи қурилган ва болажонларнинг эмин-эркин юришлари, қизиклари ўйин машғулоти билан шуғулланишлари учун қулай шароит яратилган.

Баҳодир кўчаси, 42а-уйда яшовчи Х.Садриддинова уйлари яқинида қайлашган “Қўрқам сарой” ресторанида шовкин-сурон авжига бўлиши, бу аҳолининг тинчлини бузаётгани, айниқса, кексалар, беморлар ва ёш болаларга малол келаётганини айтиб, ёрдам сўраган. Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман ДСЭНМ мутахассислари, туман прокуратура томонидан бу ишни ўрганиш жараёнида ресторан раҳбари У. Аминовга аҳвол тушунтирилган, у бу муаммони бар-тароф этган, бундан кейин ушбу ҳолат қайтарилмаслигига ваъда берган.

Имом ат-Термизий кўчаси, 34-уйда яшовчи Б. Бозорбоев эса “Ракат” МФЙга қарашли Юсуф Ҳамадоний кўчаси охиридаги ер

майдоғида ободонлаштириш ишларини олиб бorganлигини, шундан келиб чиққан ҳолда ушбу ер майдоғини расмийлаштириб берилишини сўраб, мурожаат қилган. Бу иш туман ҳокимлиги томонидан ўрганилиб, мазкур майдоғида капитал қурилмалар қурмаслик шарти билан ободонлаштириш ишларини давом эттиришга рўхсат берилган.

Ш.Руставели кўчаси, 126-уй, 7-хонадондан фуқаро А. Исмоилов уйларида хизмат

хонага мурожаат қилган фуқаро бу жой ушбу хайкаллар галереяси учун муносиб эмаслигини, уларни яна шаҳар марказига қўйиш мақсадга мувофиқ бўлишини билдиради ҳамда бир неча таклифни ҳам айтиди. Айни пайтда ушбу таклиф бўйича режалар ишлар олиб боришмоқда.

Шунингдек, Жамбул кўчаси, 3-уйда яшовчи фуқаро Д. Жамолова ўй-жойини қонунийлаштириш бўйича, Чўпон ота кўчаси, 5-уйдан А. Гаипова “ОУБЕК ТУРАБЕК”

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ХАЛҚ ИШОНЧИ –
КАТТА МАСЪУЛИЯТ

кўрсатувчи ширкатнинг яхши иш олиб бораётгани, совуқ сув ҳамда оқава қувурлар анча йиллардан буён таъмирланмаганини маълум қилган. Муаммони ўрганиш жараёнида ушбу уйга хизмат кўрсатувчи “Ба-шариат нур” ХУЖМШ томонидан барча но-созликлар бартараф этилган.

Ш.Руставели кўчаси, 13-уй, 2-хонадонда яшовчи фуқаро М. Эргашева уйининг тоғидан чакка ўтаётганлиги, таъмирга му-тож эканлигини айтиб, ёрдам сўраган. “Ми-робод коммуналчи” ХУЖМШ томонидан уй-нинг томи таъмирланиб, камчиликлар бар-тароф этилган.

Ўрганиш жараёнида шунга яна бир бор икром бўлдики, мутасадди идора раҳбар-лари томонидан ҳар бир мурожаатнинг иж-обий ҳал этилишига ҳаракат қилинган. Зеро, кимнингдир дardини эшитиш, муаммосини ечишга ёрдамлашиш, шу тарихи унинг кўнглини кўтариш, эртанги кунга умид ва ишонч билан боқилишига эришиш бугунги кун талаби, ҳар бир раҳбарнинг вазифасига ай-ланган.

Бирок шуни унутмаслик керакки, агар аҳоли ўз муаммою мушкулотини қўйи бўйи-да ҳал қила олса эди, ҳеч қачон юқори идораларга эшик қўқиб келмас эди. Айрим раҳбарларнинг халқ dардини эшитмаслиги, муаммоларга вақтида ечим топагани фу-қароларни сарсон-саргардон бўлиб, идо-рама-идора юришига мажбур қилишмоқда.

Халқимиз томонидан ҳақли эътироз ва таклифлар ҳам бўлаётгани, албатта, одам-ларимизда дахлдорлик ҳисси ортаётгани-дан далолат беради. Хусусан, Тошкент ви-лояти, Зангиота тумани, “Эркин” ҚФЙ “Янги ҳаёт” маҳалласи, Гулҳаной 2-тор кўча, 40-уйда яшовчи З. Худоев муҳим бир масалани кўтаради. Маълумки, Иккинчи жа-ҳон уруши даврида тошкентлик темирчи Ш. Шомамхудоёвлар оиласи 14 нафар етим болани асраб олиб, ўзбекона меҳр-муру-ват намунасини кўрсатган. Кейинчалик Тош-кент шаҳрининг илгари “Халқлар дўстлиги” деб номланган майдоғида ана шу оила ша-рафига хайкаллар тўплами ўрнатилган эди. Бирок, негадир, у ҳозир Тошкент шаҳри-дан чиқаверишга қўйилган. Виртуал қабул-

МЧЖга қарашли умумий овқатланиш шо-хобчасида алкоғолли махсулотлар билан чакана савдо юритилиши, натижада юз бе-раётган шовкин-сурон аҳоли тинчлини бу-заётгани, Андижон 1-тор кўчаси, 11-уйдан Ф. Содиковча оиласида икки қайинсингли-си билан бирга туриши, улар туфайли уйда доимий равишда нотинчлик бўлаётгани ҳақида ёзиб, ёрдам сўраган. Бу мурожа-атлар ҳам атрофлича ўрганилиб, муаммолар ижобий ҳал этилган. Шу тарихи аҳоли би-лан юзма-юз мулоқотнинг ҳар томонлама фойдали экани яна бир қарра ўз исботини топган.

Мурожаатларни ўрганиб чиқиш жараёни-да баъзан хонадон эгаларининг айби би-лан ҳам муаммолар юзга келаётганини кўриш мумкин. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 20-уй, 40-хонадонда истикомат қилувчи Н. Курскнева уч хонали уйининг иккита хонасида иссиқлик таъминоти йўқли-ги юзасидан шикоят қилган эди. Жойида ўрганиш ишлари натижада тик қувурлар тикилиб қолгани, бироқ хонадонда иситиш тизимида ўзбошимчиликка йўл қўйилгани, яъни залдан айвонга иситиш анжомининг қўйрилиши сабабли хоналар исимаётгани аниқланди. Демак, хонадон эгаси иситиш тизими лойиҳаси схемасини бузишга са-бабчи бўлган. Хонадон соҳибига уйдаги ис-итиш тизимининг лойиҳавий схемасини жойига тиклаш, шунингдек, тик қувурлар-ни алмаштириш вазифаси топширилди. Шу уйга хизмат қилаётган “Юнус коммуналчи” хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатига эса бир ой муддатда томи таъмирлаш ва тик қувурларни алмаштириш вазифаси юклатил-ди.

Ю.Ражабий кўчаси, 60-уй, 3а-хонадонда яшовчи Л.Исамхудоёва Ю.Ражабий кўча-сидаги “Смарт” дўконидан то Интерполга қадар бўлган йўлни асфальт қилиш лозим-лиги масаласини кўтариб, мурожаат қилган ва тез орада туман ободонлаштириш бош-қармаси ходимлари томонидан бу иш тўлиқ амалга оширилди.

Ш.Руставели кўчаси, 34-уй, 48-хонадон-дан Н.Пўлатов ҳам шундай масала бўйича мурожаат қилган. Ҳозирги пайтда шу кўча-



О.ГУЛОМОВ (Ушб) ва унинг ақдот

жаҳон уруши фронтларидан қайтган, мактабда салкам ярим аср бошланғич синф болаларига дарс бергани-ни сўзлаб берди. Отаҳоннинг ошуда кунларимиз, фа-ровон ҳаётимизнинг қадрига етиш ҳақидаги панд-на-сиҳатларига пойтахтлик уруш ва меҳнат фахрийлари Шоикром ота Шоносиров, Ҳусан ота Шомуродов, Рус-там ота Шокировлар ҳам қўшилди.

Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупованинг шоира Саида Зуннунова қаламига мансуб “Рух билан суҳбат” достонидан ўқиган парчалари йиғилганлар олқишини олди.

Уруш ва меҳнат фахрийларига совғалар берилди.

Малоҳат ҲУСАНОВА

даги 34- ва 36-уйлар ўртасидаги йўл ас-фальтланган.

Ш.Руставели кўчаси, 34-уй, 16-хонадон-дан Х. Зиядуллаевнинг ўй атрофига чиқин-ди ташланадиган қути ўрнатилиши керак-лиги тўғрисидаги мурожаати ҳам шу уйда яшовчилар ҳамда Яққасарой тумани “Мах-сустронс” хизмати ходимлари ўртасида ўтка-зилган йиғилишда қўриб чиқилиб, чиқинди йиғиладиган ва чиқинди қутилари ўрнати-ладиган жой белгиланди. Ҳозир бу ерда ик-кита чиқинди ташланадиган қути ўрнати-лган.

Албатта, бугунги кунимизни иссиқ сув таъминотисиз тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Виртуал қабулхонага мурожаатдан сўнг Қўшбеги мавзеси, 9-уй, 38-хонадонда яшовчи О. Кравченко, Братислава кўчаси, 5-уй, 17-хонадондан О. Урманцева, Бош-лик мавзеси, 27-уй, 20-хонадондан Э. Га-лиманасова ҳамда Оқлов кўчаси, 16-уй, 12-хонадондан М. Гуломовнинг эҳтиёж-лари қондирилиб, носозликлар бартараф этилгандан кейин иссиқ сув таъминоти тик-ланди.

Бир қараганда, лифтининг ишласлиги арзимаган муаммодек туюлиши мумкин. Бирок баланд қаватларга зинапоҳ орқали ҳадеб тушиб-чиқавериш осон иш эмас. Ай-ниқса, бу уйларда кексалар, ёш болали ва ногиронлар бўлса, бунинг қандай оғир ма-сала эканини бир кўз олдимизга келтирай-лик. Шу жиҳатдан олганда, Афросиёб кўча-си, 13-уй, 52-хонадондан С. Фахриддинов ҳамда Бобур кўчаси, 69-уй, 8-корпус, 24-хонадондан А. Кимининг ҳақли эътирозлари ўрганиб чиқилиб, ҳар иккала уйдаги лиф-тлар таъмирланиб, уларнинг бир меъёрдagi фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай мисолларни яна қўллаб келти-риш мумкин. Кўриниб турибдики, ҳар ким ўз ишига юракдан, масъулият билан ёндашса, му-аммолар ўз ечимини топади, ана шунда, албатта, мурожаатлар ҳам ўз-ўзидан кама-яди.

Давлат органлари, қолаверса барча та-шкилотлар аҳоли билан ҳамжиҳат ишлаши лозим. Халқимизда: “Қарс икки қўлдан чи-қад”, деган ақойиб мақол бор. Муаммо-лар ечимида аҳоли ҳам ўз ёрдамини аямас-лиги, ўз ҳақ-хуқуқини тушушган ҳолда зиммасидаги вазифа ва масъулиятни ба-жариши зарур. Виртуал қабулхона таж-рибасига аҳоли ўртасида ҳуқуқий мада-ниятни юксалтириш лозимлигини кўрсат-моқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, му-рожаатлар ўрганилганда уларнинг асосий қисмини ўй-жой олиш, суд, моддий ёрдам, пенсия таъминоти, соғлиқни сақлаш, меҳ-нат, бандлик, таълим, ХУЖМШлар фаоли-ятидаги камчиликлар каби бир қатор маса-лалар ташкил этиши маълум бўлади. Де-мак, ҳали ечимини кутаётган муаммолар – етарли. Уларга вақтида эътибор қаратиб, ечимини топса, халқона айтганда, яра мад-далаб кетмайди.

Ен-атрофимизга уйғоқ кўз билан назар солсак, халқ дарду ташвишини ўзимизники деб билсак, ҳар бир муаммонинг ечимини топишга вақтида ҳаракат қилсак, албатта, юзимиз ёруғ, эртамин эса бундан ҳам ну-рафшон бўлади.

Зеро, адолат бор жойда тараққиёт бўла-ди. Адолатга эришиш учун эса халққа юз тутмоқ керак. Одамларни ҳаётдан рози қилиш, улар ишончига сазовор бўлиш кат-та масъулият эканини бир зум бўлсин, уну-тишга ҳеч биримизнинг асло ҳақимиз йўқ.

Шоира МУХАМЕДОВА

ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобга бўлган меҳрини қучайтириш, бугунги кунда жамиятимизда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга теран нигоҳ билан назар солиш, ис-лохотларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли иллатлар ва мафқуравий ҳуружларнинг моҳиятини очиб бериш бўйича ҳам изчи ишлар амалга оширилмоқда.

Республикаимизнинг барча таълим масканларида ва ма-ҳаллаларда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” ҳамда “Инсон манфаатлари – олий қадрият” мавзуларида тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Шу билан бирга “Халқ ишончини оқлаш ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди”, “Давлат ва халқ бир-бирига таъинувчи қучдир” каби мавзуларда маърифий мате-риаллар, мақолалар тайёрланиб, оммавий ахборот восита-ларида чоп этиб боришмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда кечаётган ўзгаришлар, ин-сонлар ташвишига елкадош бўлишга оид сай-ҳаракатлар маъ-навий тарғиботчилардан ўз устида изланишни, янгилашни жараёнларининг моҳиятини аҳоли ва айниқса ёшларга таъсир-чан ҳамда самимий тарзда тушултиришни талаб этмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига тўлиқ жавоб қайтарилди.

Гулнигор САТТОРОВА

Маърифий суҳбатлар

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ
ЖАМИЯТИМИЗ УЧУН
МУҲИМ ОМИЛ

Маълумки, давлатимиз томонидан оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали бу борада турли кўрсатув, эшиттириш, мақолалар бериш орқали маънавий ишлар олиб боришмоқда.

Эътиборингизни яна бир нарсага қаратмоқчи лозим кўрдик. У ҳам бўлса, баъзи оилалар-даги келишмовчиликнинг тилни тиймаслик оқибатида келиб чиқаётганидир. Маълумки, пароканда бўлаётган оилаларимизда содир бўлаётган жанжал-тўполонларнинг аксарияти қайнона-келин моҳироларидан келиб чиқмоқ-да.

Оиланинг мустаҳкамлиги жамият учун му-ҳим саналади, чунки айнан мана шу оилада жамият аъзоси сифатида фарзанд тарбия то-пади.

Икки ёшнинг бирга умр йўлларини боғла-ши оиланинг асоси ҳисобланади. Уларнинг бир-бирларини тушуниб, ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши, келажак ворисларини дунёга келтириб, жамиятга, инсонларга нафи тегадиган шахс этиб тарбия қилишлари оила-да соғлом муҳитнинг юзага келишига омил бўлади.

Оиланинг мустаҳкам бўлишининг нафақат эр ва хотинга, балки қайнона ва қайноталар-га ҳам боғлиқ томонлари бор. Қайнона-ке-лин муаммоси ҳақида жуда кўп эшитганмиз, ҳатто улар сабабли оилаларнинг бузилишига ҳам гувоҳ бўлганмиз.

Қайнона ва келинларимиз бир-бирларига нисбатан бағрикенг, сабрли бўлсалар айни муддаодир.

Айрим қайноналарнинг келинларига зулм қилишлари ҳам ҳеч кимга сир эмас. Баъзи ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган қайноналар ўзларини бамисоли бир кироличадек, келин-ларини эса чўридек ҳис қиладилар. Арзима-сабаблар билан келинларини турткилайвера-дилар. Келин озгина ухлаб қолса, ёки қайно-нанинг оёқ кийимини тўғрилаб қўймаган бўлса ёки ҳадеганда бўйида бўлавермаса, адабини берадилар. Баъзи қайноналар, келиннинг уй-идан вақти-вақти билан сара-сара нарсалар келиб турмаса, сарпо ва мебеллари яхши бўлмаса келинига кун бермайди. Ҳаммага ке-линини ёмонлаб юради, қуда-андаларини на-зари “паст” эканидан нолийди. Келинига қўпол муомала қилади. Дилини оғритади. Бу ҳам тил офатларига қиради.

Оилаларнинг бузилишига ёки қайнона-ке-лин муносабатларининг ёмонлашишига қўп-нча арзимаган “деди-деди” гаплар ҳам сабаб бўлади. Ҳеч қайси келин янги уйига келган-да, ушбу хонадондагиларга нисбатан ғараз ниятлар олиб келмаса ёки уларни беҳурмат қилишни ўйламаса керак. Улар гўёки ёш ни-ҳолга ўхшайди, қайноналар уни эгри ўсиши-га йўл қўймай, меҳр билан сўғориб, кўп йил-лик тажрибага эга аёл сифатида муаллим-лик қилсалар, тушунмовчиликлар юзгага кел-масмиди. Баъзан бу дунёнинг ҳеч нарсага арзимайдиган моддий бўйликларидан кўра ёнимиздаги яқинларимизни асрашни ўргани-шимиз керак. Ҳамма инсон ҳам хато қилади, кечира олиш эса барчанинг ҳам қўлидан ке-лавермайди. Меҳр ҳар қандай муаммолар-нинг оддий ечими ҳисобланади.

Қайноналик ҳам масъулият, ўзга бир оила муҳитида тарбия топган қизни ўз қизидек қабул қилиш, унга ғамхўрлик кўрсатиш ҳам катта фидойилик талаб қилади. Қайнона юра-гининг бир парчасини ўзга хонадондан кел-ган бир қизга тортиқ қилади. Келин ҳам ким-нингдир кўз қорачиғидай, асраб-авайлаб катта қилган дилбанди ҳисобланади. У шу хонадон давомчилари бўлган ворисларни дунёга кел-тиради.

Атрофимизда қайнона-келинларнинг яхши-си ҳам, ёмони ҳам бор, буни инкор қилиш қийин. Дарҳақиқат, қайнона-келин муаммоси ҳақида гап кетганда айбни бир кишидан из-лаш нотўғри, албатта. Аммо кимнингдир яхши муносабатини суистеъмола қилиб ёмонга ай-ланишига ўзимиз сабабчи бўлиб қолишимиз мумкин. Аллоҳ таоло барчаларимизнинг оила-ларимизга тинчлик-хотиржамлик ва бахту сао-датни насиб этсин.

Аллоҳ таоло барчаларимизни тил офатла-ридан паноҳида асрасин, фақат Ўзининг зик-ри ва фойдали сўзлар билан машғул бўли-шимизни насиб айлсин ва шу тарихи икки дунё саодатига эришишда Ўзи мададкор бўлсин!

**Одилхон қори ЮНУСХОН ўғли,
Шайхонтоҳур тумани бош имом таътиби**

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР – ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Маврулов ва бошқалар Биринчи Президентимиз асос солган тараққиёт йўли мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисод-дий, маънавий-маърифий соҳаларининг жадал ривожлани-шида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан бу йўналишдаги ишлар изчил давом этири-либ, фуқаролар учун муносиб турмуш, меҳнат, дам олиш шароитларини яратиш, аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлаш, уларни қучли ижтимоий ҳимоялаш масалаларига эътибор қаратилмоқ-да.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да дав-лат ва жамиятни янада тараққий эттириш, миллий қонунчи-лигимизни такомиллаштириш, қонун устуворлиги, ҳавфсиз-лаш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъмин-лаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга доир Давлат дастурида айни жи-ҳатлар ўзининг ақол ифодасини олди.

Бу борада Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда



Беғубор болаликнинг унутилмас лаҳзалари

ЎЗА олган суратлар

ТАЛАБА-ЁШЛАР ТУРНИРИ

Пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий стадионидида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида футбол бўйича "Камолот" кубоги" республика турнирининг Тошкент шаҳар финал босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақани ўтказишдан қўзланган мақсад талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланишини такомиллаштириш, уларнинг футболга қизиқшини оширишдан иборатдир. Талаба-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб қилиниши, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиради. Яна бир эътиборли жиҳати мусобақа орқали иқтидорли футболчилар аниқланиб келинмоқда. Бу эса, спортнинг мазкур турини янада ривожланишига қўмаклашади.

Финалда Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоалари ғолиблик учун куч синашди. Мазкур учрашув 1:0 ҳисобида якунланди.

2016 йилда ўтказилган мусобақада 6165 нафар ёш иштирок этган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 6500дан зиёдни ташкил қилди.

Пойтахтимиздаги 24 та олий таълим муассасаларининг 500 дан ортиқ хаваскор футболчи талаба-ёшлари саралаш босқичида қатнашди.

Ғолиб ва совриндор жамоалар "Камолот" кубоги", медаллар ва дипломлар билан тақдирланди. Ғолибликни қўлга киритган жамоа Республика босқичида Тошкент шаҳри номини ҳимоя қилади. Эстрада хонандалари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасида Давлат ёнғин назорати органлари ходимларининг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, айниқса, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларини барқарорлаштиришга ҳиссасини қўшаётган ходимларни аниқлаш мақсадида ўтказилаётган "Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

КАСБ ФИДОЙИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Танлов Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ кўйи тизимлари ўртасида ўтказилиб, унда пойтахтимизнинг 11 та туманида хизмат қилаётган энг фаол инспекторлар қатнашди. Кўрик-танлов шартларига кўра иштирокчи ходимларнинг ўз ҳудудларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғинларнинг олдини олиш бўйича амалга ошираётган профилактик ишлари юзасидан тақдим этилган реферат

ва альбомлари ўрганиб чиқилди. Бу амалий ишлар юзасидан Бектемир, М.Улуғбек ҳамда Шайхонтохур тумани ИИБ ЁХБ ходимлари томонидан талаб даражасида бажарилгани аниқланди. Бошқарма раҳбарияти томонидан тузилган комиссия аъзолари бир овоздан Бектемир тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант Нурбол Маменовни "Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори" деб

топдилар. Ғолибликни қўлга киритган инспекторлар эсдалик совғалари ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. Биринчи ўринга сазовор бўлган Бектемир тумани инспектори эса Республика босқичига йўлланиши қўлга киритди.

Кўрик-танловнинг республика босқичи ҳам Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасида кўтаринки кайфиятда ўтқа-

зилди. Унда барча вилоятлардан келган 15 та ходим ўзаро баҳслашди. Иккинчи босқичнинг шартларига кўра, иштирокчилар Яккасарой туманидаги "Яккасарой кичик саноат зонаси" давлат унитар корхонаси ҳудудидаги тўқимачилик корхоналарининг бирида ўқув ёнғин-техник текширувини ўтказишди. Шунингдек, уларнинг касбий маҳорати ҳамда билимига тест синови орқали баҳо берилди. Қувонарлиси, кўрик-танловнинг якунига кўра, Бектемир тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант Нурбол Маменов вилоятлардан таширф буюрган инспекторлар орасида ғолибликни қўлга киритиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Ушбу танловда иккинчи ўринни Жиззах вилояти, учинчи ўринни Қашқадарё вилояти инспекторлари қўлга киритди.

Муслима РАХИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
муҳандиси, капитан

"101"

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларига тўғри келади. Лекин пойтахтимиз кўчаларида автоуловлар кўпайгани сари гоҳо тўқнашувлар оқибатида ёнғинлар келиб чиқаётгани кузатилаётган.

Йўлдаги тўқнашув оқибатини ёки автоуловда мавжуд бўлган носозликлар туфайлими, ҳуллас кўп йиллик меҳнат натижасида сотиб олинган темир ёрдамчидан бир зумда айрилиб қолиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Кўчада автомашиналарнинг охири кўринмайди, улар шунчалар кўпки, баъзида қандай русумли эканлигини тушунай ҳам қоласан. Қувонарлиси, бу техниканинг тобора ривожланиб бораётганининг яққол намунаси. Турли рангдаги, тусдаги, ҳажмдаги ва русумдаги, ҳуллас хоҳлаган автомобилларни "машинасевар"лар пулига қараб сотиб олиш имкониятлари мавжуд. Лекин шунга ҳам эътибор бериш керак: автомашиналар кўпайгани сари, уларда содир этилган ёнғинлар ҳам тобора ошмоқда. Биргина жорий йилнинг бошидан 17 та ҳодиса юз берган.

Транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган ёнғинлар асосан электр симларининг қисқа туташуви ёки ёнғин тизимидаги носозликлар туфайли келиб чиқади. Ҳўш, бу носозликларнинг сабаби нимада? Биринчиси, автомобилдаги ўша қисмларнинг эскирганлиги бўлса, иккинчиси, фуқароларнинг бепарволиги ва лоқайдлигидир. Аксарият ҳолатларда транспорт воситасининг қисмлари вақтида таъмирланмайдиган. У бутунлай эскириб, яроқсиз ҳолга келгунча ишлатилади. Таъмирлашга келганида махсус мутахассисга бормасдан ўзича иш қўйлади. Шу билан сарфланган оғина пулни тежайман деб, катта харажатга замин яратди. Бу борада пойтахтимиз кўчаларида содир бўлган айрим ҳолатлар билан таништирсак: сержантов кўчалардан бири бўлган Ойбек кўчасининг 38 А-уй олдида турган "Хундай" русумли автоуловнинг мотор қисми ёнган. Яшнобод тумани Кичик халқа йўли кўчаси, 2-уй олдида "ГАЗ-53" русумли юк автомобилнинг салони ёнган. Содири бўлган ушбу ёнғинларнинг тахминий сабаби — электр симларида қисқа туташув натижасидир.

Халқимизда "касаликни даволагандан кўра, олдини олган яхши", деган нақл беҳижга айтилмаган. Хайдовчиларимиз йўлга чиққан олдин "Йўлимиз беҳатар бўлсин", дея қўлини дуога тутадилар. Бизнинг ҳам мақсадимиз хайдовчиларимизни оз бўлса-да, ҳушёрликка қоралашдир. Ёнғин туфайли содир бўлаётган фалокатларнинг олдини олиш эса ўз қўлингизда.

Шавкат УМАРОВ,
20-ХҲХ катта инспектори, сержант

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдиради.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши курашмоғимиз даркор. Корхона-ташкилотлар бошқармалари, шунингдек, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туялган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Ойбек ЮСУПХОДЖАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 33-ХҲХ
инспектори, сержант

Фойдали маслаҳатлар

КЎКАТЛАРДАН ҚУВВАТ ОЛИНГ

Витамин етишмовчилиги келиб чиқишининг турли сабаблари бор. Баъзан ҳазм фаолиятидаги нуқсонлар туфайли истеъмол қилинадиган овқатларнинг ичакларда ўзлаштирилиши бузилади. Айрим ҳолларда ичак микроорганизмлари томонидан организмда витаминларнинг синтез қилиниши сусаяди.

Доим бир хил егуликлар (айниқса, рафинирланган, қурилган ва консерваланган маҳсулотлар)ни истеъмол қилиш, кундалик овқатланишда янги мева ва кўкатларнинг бўлмаслиги, маҳсулотларни нотўғри сақлаш, овқат пиширғанда сабзавотлардаги зарур витаминларнинг парчаланиб кетиши, ақлий ва жисмоний толиқиб сингари ҳолатлар ҳам витамин танқислигини келтириб чиқаради.

Шунингдек, меъда-ичак касалликлари (гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси)да, ҳатто гижжа касалликларида ҳам организмда витаминлар сўрилиши бузилади. Бундан ташқари, аёлларда ҳомиладорлик ва бола эмизиш даврида ҳамда киши айрим антибиотиклар, сульфаниламид препаратларни узок вақт ичиб юрганда витамин етишмовчилиги келиб чиқади.

Кўкларни авитаминоз рўй берса, зудлик билан зарур чораларни қўллаш лозим. Витаминга бой кўкатлар (ялпиз, исмалок, жағ-жағ, откулук) баҳор пайтида одам қувватини ошириб, тектиштирилади.

Кўкатлардан турли хил таомлар тайёрланади. Улар витамин етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларда тавсия этилади.

Қандли диабет бора, ортиқча вазнга эга ва заиф кишиларга кўкатларни сарёгда қовуриб бериш мақсадга мувофиқдир.

Баҳорий кўкатларни қўшиб, улардан турли таомлар тайёрлаб истеъмол қилинса, организм фаолияти яхшиланади, моддалар алмашинуви меъёрга келади, вужудга куч-қувват қайтади. Бунинг учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилган маъқул.

Баргли ўсимликлар (исмалок, салат — коху, шовул)ни қайнатиб ё қовурсангиз идиш қопқоғини албатта ёпинг, акс ҳолда таркибидида 70 фоиз витамин йўқолиб кетади.

Сабзавот маҳсулотларини зангламайдиган металл ёки чўян қозонларда пиширсангиз таркибидида витаминлар парчаланмайди.

Киш бўйи ва баҳорнинг илк кунларида наъматак қоқиси қайнатиб ичиб юрилса, организмда аскорбат кислота танқислиги рўй бермайди.

Ошқўқларни кўп харид қилманг, чунки улар бир кундан кўп сақланса таркибидида С витаминининг 40-60 фоизи йўқолади.

Мадина МУСАЕВА,
услубчи шифокор

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизимидаги Тошкент молия институтини қўшиб, молия академик лицейига маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Малака талаблари: иқтисодий ва гуманитар фанлар бўйича олий маълумот, олий педагогик таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей ва касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стаж талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стаж талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта-махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2.Сўровнома (справка-объективка);
3.Таржimai хол;
4.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5.Меҳнат дафтрачиси (нусхаси тасдиқланган шаклда);
6.3х4 ўлчамли 6 донга фотосурат;
7.Паспорт (нусхаси);
8.Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
9.Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

"MEHNAT AGROTEX" MCHJ ўзига тегишли Тошкент вилояти, Паркент тумани, Бошқизилсой Қ.Ф.Й., Шанпан ва Новдак қишлоқ ҳудудида жойлашган 80 гектар ер майдонидаги узумзор боғлар ҳамда 4 та дала шийпонини олди-сотди шартномасига асосан сотишини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ Қ.Ф.Й., Мустақиллик кўчаси, 31-уйда жойлашган "MEHNAT AGROTEX" MCHJ.

Телефон рақамлари: (93) 382-49-44, (93) 399-99-60. (93) 501-25-07.

"O'ZGARISH SHAROB-SAVDO" UK (ИНН 203818319) ўз ҳуқуқий шаклини "O'ZGARISH SHAROB-SAVDO" ихтисослаштирилган база масъулияти чекланган жамиятига (ИБМЧЖ)га ўзгартирилишини маълум қилади. "O'ZGARISH SHAROB-SAVDO" UKга нисбатан даъво аризалари бир ой муддат давомида қабул қилинади. Телефон: +99890 185-93-24

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 5 май кунини ҳаво ўзағиб туради, ёнғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15,

кундузи — 29-31 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 5 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшомини

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида теринди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-535

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9488 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳасратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.35